

Набий алайҳиссаломнинг қайтариқлари (олтинчи мақола)



19:05 / 17.09.2020 2192

Ичимликларга оид қайтариқлар

Абу Қатода розияллоҳу анҳу оталаридан нақл қиладилар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай деб айтдилар:
«Бирортангиз (сув ёки бошқа бирор ичимлик) ичсангиз, идиш ичига нафасингизни чиқарманг ва агар бирортангиз пешоб қилсангиз ўнг қўлингиз билан олатингизни покламангиз».

Имом Бухорий ривоятлари.

Абу Саид ал-Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мешларнинг оғзини бузиб, улардан сув ичмоқдан қайтардилар».

Имом Бухорий ривоятлари.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олтин ва кумуш идишларда, учган ва дарз кетган идишларда сув ичмоқдан қайтардилар. («Минг бир ҳадис»)

Абдуллоҳ ибн Абу Авфо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кўк кўзадан фойдаланмоқдан қайтардилар. Шунда мен: «Оқ чинни кўзада ичсак бўладими?», деб сўрадим. У зот: «Йўқ!», дедилар». (Кўза ҳоқ оқ, ҳоқ кўк бўлсин, ундаги мева суви ачиб, маст қиладиган бўлиб қолса, ичиш мумкин эмас).

Имом Бухорий ривоятлари.

Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қовоқдан ясалган ва мумланган идишлардан фойдаланмоқдан қайтардилар».

Имом Бухорий ривоятлари.

Иброҳимнинг ривоятларида мўминлар онаси Оиша розияллоҳу анҳо шундай дедилар: «Жаноб Расулуллоҳ бизни, яъни барча хонадон аъзоларини қовоқ ва мумланган идишларда шароб тайёрламоқдан қайтарганлар».

Имом Бухорий ривоятлари.

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам майиздан ҳамда қуритилган, хом ва янги узилган хурмолардан (шароб тайёрламоқдан) қайтардилар».

Имом Бухорий ривоятлари.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Кўпи маст қиладиган ичимликнинг озидан ҳам сизларни қайтараман».

Имом Насай ривоятлари.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар қандай маст қилувчи ва бўшаштирувчи (гиёҳванд) нарсаларни истеъмол қилишни ман этганлар.

Абу Довуд ва Аҳмад ривоятлари.

Абдуллоҳ ибн Абу Қатода оталаридан нақл қиладилар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қуритилган хурмо билан эндигина ранг кирган хурмони ҳамда қуритилган хурмо билан майизни бир-бирига қўшмоқдан қайтарганлар. Буларнинг ҳар биридан алоҳида

шарбат тайёрланади».

Имом Бухорий ривоятлари.

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса ҳаммомга иштонсиз кирмасин. Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, жуфти ҳалолини ҳаммомга киритмасин. Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, хамр (ароқ) айлантириб турилган дастурхон атрофида ўтирмасин»**, дедилар». *Имом Термизий ва Ҳоким ривоятлари.*

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сут ичгач (сув билан) оғизларини чайқаб ташладилар ва «сутда ёғ бор», дедилар (яъни таҳоратли киши таркибида ёғ бўлган бирор ичимлик ёки таом истеъмол қилгач, оғзини сув билан чайқаб ташлаб, сўнгра намоз ўқиши керак).

Имом Бухорий ривоятлари.

Зухрий бундай дейдилар: «Инсон пешобини ичиш қатъиян ман этилади, чунки у нопокдир. Аллоҳ таоло: **«Сизлар учун покиза неъматлар ҳалол қилинди», дейди»**.

Имом Бухорий ривоятлари.

(Давоми бор)

Islom.uz архивидан